O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

Миллий тиклaниш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 27-iyun, chorshanba, 26 (356)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

«Журналист — элу юрт қувонч ва ташвишларига шерик, доимо янгиликлар изидан юрувчи беҳаловат инсон».

Ислом КАРИМОВ.

ЭРКИН МАТБУОТ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Жорий йилда мамлакатимизда ҳамма соҳаларда бўлгани каби ОАВ соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди. Шу ҳақда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов билан суҳбатлашдик.

— Шерзод ака, ОАВ ривожи йўлида кўпгина ишлар амалга оширилди. Маълумки, бу борада ҳуқуқий ва иқтисодий омиллар муҳим ҳисобланади.

— Барчамизга яхши маълум, ўзбек журналистикаси салмоқли тарихга эга. У XX аср бошларига бориб тақалади. Ўтган асрда юрт озодлиги, равнақи, халқ тараққиёти, маърифати учун кураш ғоялари билан йўғрилган, тарихимизда чақмоқ каби чақнаб ўтган «Тараққий» каби газеталар журналистикамизга асос бўлган. Улардаги дадиллик, шижоат, фидойилик бугунги оммавий ахборот воситалари учун ҳам ўрнак бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси билан 1993 йилда Олий Кенгаш «Тараққий» газетасининг 1-сони чиққан 27 июнь санасини ўзбек журналистларининг касб байрами сифатида нишонлаш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Шул туфайли мана ўн уч йилдирки, 27 июнь санаси матбуот, ОАВ ходимлари ҳаётида қутлуғ бир айёмга айланган.

Мана шу ўтган вақт мобайнида соҳада амалга оширилган ишлар, қилинган хайрли амаллар тарих саҳифаларига муҳрланиб қолди. Ўтган бир йил давомида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ҳаётида ҳам қатор янгиланишлар, ўй-режалар амалга оширилди. Уларда Президентимиз И.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма йиғилишида қилган маърузасида таъкидланган Оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича вазифалар асос қилиб олинган. Бу борадаги асосий вазифа — мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлган матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлашдан иборат эканлигидир.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштиришда унинг ҳуқуқий асоси муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, бу борадаги қонунчиликнинг мукаммаллиги, замон билан ҳамқадамлиги порлоқ истиқболнинг пойдеворидир. Албатта, мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир қонунлар яратиш борасида кўп иш қилинди. Лекин шу билан бирга журналистик фаолият учун яна қатор қонунлар яратилиши ва амалда бўлган қонунларни такомиллаштиришни замон, тараққиёт талаб қилади.

Ўтган йил давомида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Матбуот ва Оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир қатор қонунлар қайта кўриб чиқилди ва уларга тегишли ўзгартириш, қўшимчалар киритилди. Бу борадаги ишлар ҳали ҳам жадал давом этмоқда. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу ишларда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳам фаол иштирок этмоқда.

Шу ўринда Президентимизнинг парламент қўшма йиғилишида қилган маърузасидан келиб чиққан ҳолда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этиш мақсад ҳамда вазифаларини амалга ошириш Дастуридаги ОАВни янада демократлаштириш йўналиши бўйича таклифлар ишлаб чиқилганини ҳам қайд этиб ўтиш даркор. Улар орасида Ўзбекистон профессионал журналистларининг ахлоқодоб кодекси, Оммавий ахборот воситалари Хартияси, Оммавий ахборот воситаларининг миллий медиа-форуми концепцияси, Оммавий ахборот воситалари бўйича жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд.

Ахборот соҳасидаги туб ўзгаришлар мамлакатимизда босма оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмай қолмайди, албатта. Кейинги 10 йилда уларнинг сони икки баравар ошди. Бугун мамлакатимизда 683 та газета, 198 та журнал, 55 та нашриёт, 4 ратик талаб ва стандартларга жавоб берадиган, мулк шаклидан қатъий назар ҳар қандай босма оммавий ахборот воситаларини шакллантириш, уларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш жараёнини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташкил этилди. Мазкур жамоат фонди ҳам ўтган қисқа вақт мобайнида босма ОАВларнинг яқин кўмакчисига айланиб улгурди.

— Кейинги пайтда ижодий фаолиятни рағбатлантириш борасида кўпгина танловлар эълон қилинмоқда. Жумладан, яқинда Жаҳон матбуоти эркинлиги кунида бўлиб ўтган «Олтин қалам» халқаро танловни ёдга олишимиз мумкин.

— Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ҳаётидаги янгиланишлар жараёнида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳам фаол қатнашмоқда. Шу ҳақда сўз очганда уюшмамизнинг бир ташаббусини алоҳида қайд этиб ўтмоқчимиз. Ўтган йили Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан биргаликда «Олтин қалам» халқаро танловини ўтказиш ташаббуси билан чиқди.

(Давоми 2-бетда)

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТАЁТИР. НАШР КЎРСАТКИЧИМИЗ — 158.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Тошкент Фармацевтика институтида «Она Ватан, сенга жоним фидо!» номли тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Наманган вилояти Поп туман кенгаши ташаббуси билан туман Марказий шифохонасида «Миллий тикланиш юксалиш демакдир» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Сирдарё вилоят Ховос ва Гулистон туман кенгашлари ташаббускорлигида маҳаллаларда «Мен Ватанга нима бердим?» мавзуида ёшлар билан учрашув ўтказилди.

* * *

Партиянинг Жиззах вилояти Зомин туман кенгаши томонидан «Мўғол» маҳалла фуқаролар йиғинида Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги олдидан «Мустақиллик ва маънавият» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Навоий шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Ёшлик — умрнинг гўзал фасли» мавзуида ёшлар билан учрашув ўтказилди.

* * *

Хоразм вилоят Шовот туман партия кенгаши ташаббуси билан туман хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда «Ёшлар — миллат келажаги» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Музработ туман кенгаши ташаббуси билан Музработ агросервис коллежида «Ўзбекистон Ватаним маним» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Сурхондарё вилояти радио телевизион марказида Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги ҳамда партиянинг 11 йиллиги муносабати билан мулоқот ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгашида шаҳар хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Янгиланаётган ҳаётимизда аёлларнинг ўрни» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Қашқадарё вилоят Деҳқонобод туман кенгаши ташаббуси билан Деҳқонобод касб-ҳунар коллежида «Меҳру мурувват инсонпарварликдир» мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

Партиянинг Жиззах вилояти Арнасой туман кенгашида «ЎзМТДПнинг бошланғич ташкилотларида хотин-қизлар билан ишлаш масалалари» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди» мавзуида йиғилиш ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

ҲАЁТ ДЕГАН КИТОБ БОР...

Яқинда таниқли олимларнинг маданият ҳақидаги баҳсини тингладим. Маданият нима ўзи, унга қандай эришилади, маданиятлилик нималарда кўринади? Маданиятсизлик-чи?

Бу саволларга баҳсда иштирок этган олимлар турлича жавоб беришди. Бир қарашда, уларнинг ҳаммаси ҳам тўғрига ўхшайди, эътироз билдирадиган жойи йўқдай. Аммо менга бир фикр маъқул бўлди. Маданият – инсоннинг ўз-ўзини ихтиёрий равишда чеклаши маҳсули. Мана шу ихтиёрий чеклашдан катта маданият келиб чиқади. Яъни, инсон ҳаётда ҳамиша ўзини маълум маънода чеклайди, нималардандир тийилиб туради. Бу иш менинг шаънимга тўғри келмайди, обрўйимга путур етади, дейди. Бирор жойда бир бемаъниликни кўрса, бориб қўшилиб кетавермайди, мулоҳаза қилади – буларга қўшилсам ким деган одам бўламан деб, иложи бўлса, уларни четлаб ўтади. Кимдир пасткашлик қилса, унга ўчакишмайди, мен ҳам шундай қилсам, ундан нима фарқим қолади, деган андишага боради. Биров ўзига нисбатан жоҳиллик қилганида ҳам, унга шу тариқа жавоб қайтармайди, ўзини тутади. Андишали, имон-эътиқодли кишилар шундай қилишади. Инсоннинг маданияти, зиёлилиги мана шу андишаларда ўз аксини топади.

Бу, албатта, тугал фикр эмас. Лекин, ишончим комилки, эътироз қиладиган жойи ҳам йўқ. Маданият – ҳар биримизнинг ички дунёмиздан, онг-шууримизга сингган, сингдирилган ахлоқий қадриятлардан, оилада, атрофимизда мавжуд бўлган маънавий муҳитдан келиб чиқади. Қоидабузар ҳайдовчи давлат автомобиль назорати ходимини кўрсагина, тезликни пасайтиради, бошқа пайт ўзи билганидан қолмайди. Маданиятли одам биров кўрса ҳам, кўрмаса ҳам виждони буюрганини қилади. Ўзини ўзи назоратга олади, номақбул ишга қўл уриб, виждон азобига қолишни истамайди.

Маданиятли одам дуч келган нарсага биринчи бўлиб қўл чўзмайди, суҳбатдошини охиригача эшитади, сўзини ҳуда-беҳудага бўлмайди, хатоларини юзига солиб, изза қилмайди – йўли билан, босиқлик билан тушунтиради. Маданиятли одам фақат мен бўлай, мен гапирай демайди, бошқаларга ҳам имкон беради, бошқалар ҳам гапиришини истайди. Бундай одамлар йўлни эгаллаб олишмайди. Чехов домланинг унтер Пришибеевига ўхшаб, ўтганга ҳам, кетганга ҳам қамчи ўқталмайди. Аксинча, улар бошқаларга ҳам йўл беришади, бошқалар ҳам бу йўллардан юришга ҳақли эканлигини тан олишади.

Маданиятли одам маданият масаласида ўзининг қандайлигини кўз-кўз қилмайди, бунга ҳатто қизиқмайди ҳам. Мен маданиятлиман, мен зиёлиман, фалон жойда ўқиганман, фалон-фалон ишларда ишлаганман, дея ҳеч қачон бўйин чўзмайди. Унинг маданиятини юриш-туришида, феъл-атворида, амалларида кўриш мумкин. Бундай одамлар фавқулодда камтар, камсуқум ва ҳаттоки бироз ношуд ҳам бўлишади. Олғирлар, уддабуронлар кўп ҳолларда уларнинг насибаларини илиб кетишади, жойларини эгаллаб олишади, йўлдан, ўртадан четга суриб ҳам ташлашади. Бу яхши одам йўқ демайди, хўб дейди, дея устингиздан ҳукмфармолик қилишади. Маданиятли одам бундай лўттибозликларни кўриб, билиб, маъносига етиб турса ҳам, шартакилик, жиззакилик қилмайди, афтини буриштирмайди. Чунки унда маданият бор, инсоф-диёнат бор. Бундай қилишга унинг ички маданияти йўл қўймайди.

Ўз-ўзидан савол туғилади. Маданиятли бўлиш учун нима қилмоқ керак, қайси олийгоҳни битирмоқ, қайси китобларни ўқимоқ, кимнинг этагидан тутмоқ, кимга шогирдликка тушмоқ зарур? Бу саволларга ким жавоб бера олади? Умуман, жавоб борми ўзи?

— Агарки, бу савол билан менга мурожаат этсалар, менинг битта жавобим бор, — деган экан донишмандлардан бири. — Ҳаёт деб аталмиш бир китоб бор, шуни ўқимоқ зарур. Шуни билмоқ ва англамоқ лозим. Бусиз ҳеч нимага эришиб бўлмайди.

— Ўзингиз ўқидингизми шу китобни, — деб сўрашибди донишманддан шогирдлари.

— Ўқияпман, — дебди донишманд, — бошқа ҳеч бир иш қилаётганим йўқ, эсимни танибманки, шу китобни варақлайман, аммо улгурмиканман...

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан

ТАРИХ МУЗЕЙИ ОЧИЛАДИ

Президентимизнинг «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган «Шаҳарнинг ижтимоий-маданий инфратузилмасини ривожлантириш» дастурида Марғилон шаҳар марказидаги музейни капитал таъмирлаш ва «Марғилон тарихи» музейига айлантириш вазифаси белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, 2005 йилнинг декабр ойидан бошлаб шаҳар марказидаги музей биносида мукаммал таъмирлаш ишлари жадал суръатларда бошлаб юборилди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фарғона вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаларининг таклифлари билан «Марғилон шаҳридаги Йўлдош Охунбобоев мемориал музейи ҳамда Адабиёт ва санъат музейлари негизида «Марғилон шаҳар тарихи музейи»ни ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилинди.

Музей биносини мукаммал таъмирлаш ишлари Ш.Бобобеков бошчилигидаги 3-қурилиш-монтаж бошқармаси ишчи-хизматчилари томонидан амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунга қадар 50 миллион сўмга яқин таъмирлаш ва монтаж ишлари бажарилди. Музей экспозицияларини ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган даражада янгидан барпо қилиш ишлари эса музейшунос-экспозиционер, Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ўткир Ярмуҳамедов томонидан амалга оширилмоқда.

Музей биносини мукаммал таъмирлаш ва уни шаҳар тарихи музейига айлантириш учун дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 180 миллион сўм сарфлаш режалаштирилган.

Ганижон АЛИЖОНОВ.

ҚУЙИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЎзМТДП Музработ туман кенгашининг раислигига туман халқ таълими бўлими давлат таълим стандарти мониторинги бўлими мудири Бобомурод Раҳмонов сайлангандан буён партия фаолияти анча жонланиб, жойларда кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Музработ педагогика коллежида ўтказилган очиқ мулоқот «Шу азиз Ватан барчамизники» мавзуида бўлди. Мулоқотни коллежи директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари Н.Умаров бошқарди. Партия кенгаши раиси мавзу бўйича тушунтириш берди. Маърузадан сўнг талабаларнинг фикр-мулоҳазалари эшитилди.

Партиямизнинг дастури, келгуси режалари талабаларга савол-жавоблар орқали тушунтирилди. 1-гуруҳ талабаларидан Мастура Раҳимова, Дилором Қувондиқова, Сарвиноз Мамадалиева, 5-гуруҳ талабаси Шаҳноза Муродовалар ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилдилар.

Очиқ мулоқотда миллий истиқлол ғоясининг туб моҳияти, ватанпарварлик тушунчаларига асосий эътибор қаратилди. Талабалар партия нашри бўлган «Миллий тикланиш» газетасини ўқиб бораётганликларини таъкидлашди. Тадбир сўнгида бир гуруҳ талабалар партия аъзолигига қабул қилинди.

Жуманазар АНОРОВ.

27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ



САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДАГИ ТАНЛОВ

2004 йилда Ўзбекистон Республикаси минтақада аҳоли саломатлигини яхшилаш, темир танқислиги муаммоларини бартараф этиш юзасидан Овқатланишни яхшилаш бўйича глобал альянс томонидан ажратилган 2,8 миллион АҚШ доллари миқдоридаги грантга эга бўлган эди.

Мазкур дастур доирасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўздонмаҳсулот" АК, ЮНИСЕФ ва Жаҳон банки томонидан қилинаётган ишларни аҳолига кенг тарғиб қилиш, темир танқислиги анемиясининг олдини олиш масалаларини ОАВда ёритиш бўйича матбуот, телевидение ва радиоэшиттириш соҳасидаги биринчи танловини эълон қилган эди.

Яқинда "Рэдиссон САС" меҳмонхонасида танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда республика ва маҳаллий ОАВ вакилларидан 130дан ортиқ ишлар тақдим этилди. Барча ишлар олий малакали мутахассислардан иборат ҳайъат томонидан кўриб чиқилди ҳамда учта йўналишдаги ғолиблар эълон қилинди. Шунингдек, энг фаол таҳририятлар ҳам унни бойитиш бўйича миллий дастурни амалга оширишга қўшган ҳиссалари учун махсус сертификатлар билан тақдирланди.

Бундан ташқари, тадбирда мазкур танловни ҳар йили ўтказиш режалаштирилганлиги ҳамда июль ойидан бошлаб иккинчи мукофот эълон қилиниши таъкидланди.

Ўз мухбиримиз.

ЭРКИН МАТБУОТ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

(Боши 1-бетда)

Мазкур танлов Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бўлиб, уни ўтказишдан кўзда тутган мақсадимиз миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимларининг фаол фуқаролик позициясини намоён этиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш эди.

Бу ташаббус кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди. Уни ташкил этиш ва ўтказиш ишларида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоатчилик фонди, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги, «Новости Узбекистана» газетаси таҳририяти, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Конрад Аденауэр фондининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва бошқа қатор нуфузли халқаро ташкилотлар иштирок этиш истагини билдиришди.

Бу йил "Олтин қалам" танлови илк бор ўтказилди ва айтиш жоизки, кутилганидек, журналистлар орасида катта қизиқиш уйғотди. Турли номинацияларда маҳаллий ОАВ — телевидение, радио, матбуот ходимлари ўртасида эълон қилинган танловга 150 га яқин ижодий иш топширилди. Нуфузли ҳайъат томонидан синчиклаб ўрганиб чиқилгач, энг мукаммал асарлар соҳиблари — тележурналист Норқобил Жалил, радиожурналист Шарофиддин Тўлаганов, матбуот йўналиши бўйича таниқли журналист Иброҳим Норматовлар танлов ғолиби деб топилди. Шунингдек, бошқа қатор номинациялар бўйича ҳам бир қанча иқтидорли журналистлар рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлдилар.

Албатта, янги танлов якунларига бағишланган маросимни ёдда қоларли тарзда ўтказишимиз лозим эди. 3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги куни муносабати билан ўтказилган катта тадбирда мукофотлар ўз эгаларига тантанали суратда топширилди. Ўйлаймизки, танлов келгуси йиллар ҳам янада қизғин давом этади ва журналистларимизни ижодий баркамоллик сари чорлаб турувчи муҳим омиллардан бирига айланади.

Шу ўринда уюшмамиз томонидан анъанавий тарзда ўтказилиб, касб байрамимиз куни ғолиблари эълон этилиб, қимматли совғалар билан тақдирланадиган «Йилнинг фаол журналисти» танлови ижод аҳли томонидан юксак эътироф этиб келинаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Олдимизда эса ҳали қилинадиган ишлар, амалга оширилиши лозим бўлган режалар кўп. Жумладан, Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигини муносиб кутиб олиш, бу қутлуғ айём муносабати билан қатор тадбирлар ўтказиш ҳаракатидамиз. Улар орасида «Тасвирий ойина» ижодий ва Ёзувчилар уюшмалари, Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Энг улуғ, энг азиз» танлови ҳам бор. Демак, журналистларимиз учун ўз маҳоратларини синаб кўриш йўлида яна бир имконият мавжуд. Биз ҳамкасбларимизни бу танловда ҳам фаол иштирок этишга даъват этамиз ва уларнинг ҳар бирига омад тилаймиз.

— Ҳамкасбларга байрам тилакларингиз?

— Омад калити меҳнат ва изланишда. Зеро, воқеалар қозонида қайнайдиган, ўзини Ватан, эл-юрт, оддий инсонлар манфаатлари, ҳақиқат тантанаси учун курашга бағишлаган журналистлар ҳаётини бусиз тасаввур этиш ҳам мумкин эмас.

Яна бир бор касб байрамингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар!

Бунёд АБДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

Тўрт саволга тўрт жавоб

Элнинг назаридаги КАСБ

Сухбатдошимиз «Санам» журнали бош муҳаррири Муборак Туропова.

— Нашрнинг муваффақиятли чиқиши кўпроқ кимга боғлиқ? Муҳаррирги ами ёки таҳририят жамоасига?

— Бугунги кун журналистикаси шиддат билан ривожланиб бораётган соҳа ҳисобланади. Журналистдан ўз устида тинмай ишлаш, ишига маҳорат билан ёндашиш талаб этилади. Ҳар қандай оммавий ахборот воситасининг оммабоп нашрга айланиши, энг аввало, муҳаррирнинг ишига қай даражада масъулият билан ёндашишига боғлиқ. Ходимларни бошқариш, жамоада ҳақиқий ижодий муҳитни ярата олиш ҳам маҳорат. Раҳбар ҳар қанча яхши журналист бўлмасин, уни қўллаб турадиган жамоада аҳиллик, бирдамлик бўлмас экан, у хоҳ матбуот бўлсин, хоҳ радио, телевидение, ишга салбий таъсир ўтказмасдан қолмайди.

— Бугунги ўзбек журналистикасига қандай баҳо берасиз?

— Журналистнинг ўзига яраша масъулияти, шунга яраша халқ орасида обрў-эътибори ҳам бор. Санъаткор каби журналист ҳам элнинг назарида. Баъзан арзимаган баҳонани рўкач қилиб, тўғри ва ҳаққоний фикрни вақтида айтолмайдиганлар ҳам орамизда учраб туради. Журналистика факультетига ўқишга кираман, журналист бўламан, деган мақсадни ўз олдига қўйган абитуриент камида бир йил газета-журнал, радио-телевидениеда иш жараёнини ўрганиши, тажриба орттириши, энг муҳими ижод машаққатини англаши керак. Бугунги ўзбек журналистикасига фидойи, янгиликка интилувчан, қалами ўткир кадрлар керак. Журналист ҳар томонлама кучли билимга эга бўлиши керак. ОАВнинг ҳамма тармоғида, телевидение, радио, матбуотда ҳам бугун рақобат кучли. Бу яхши, албатта. Журналист камера қаршисида тележурналистдек, микрофон олдида радиожурналистдек, нашрларда ўткир қалами билан ўз сўзини айта олиши керак.

— Ёш журналистларнинг фаолиятида қандай ютуқ ва камчиликларни кўрасиз?

— Мен шу ўринда журналистикага қадам қўяётган ёшларнинг ҳам салбий, ҳам ижобий томонларига тўхталишни истардим. Аксарият ёшларимиз телевидениега интилади, тезроқ танилгиси келади. Ҳали ўз йўлини топмай туриб юлдуз бўлиш касалига учраганлари ҳам йўқ эмас. Ёш ҳамкасбларимиз компьютерни яхши билишади, интернетдан унумли фойдалана олишади. Уларнинг фикри теран, сўзи ҳам, кўзи ҳам ўткир. Фақат назаримда озгина сабрсизлик, шошқалоқликлари бор. Бу соҳанинг нонини ейиш учун метиндан тиш керак. Бобомиз Алишер Навоий Темур тиғи етмаган жойни қалам билан забт этганидек, бизнинг қўлимизда ҳам сўз деган эзгуликка хизмат қиладиган қурол бор.

— Ҳамкасбларга тилакларингиз?

— Байрам баҳона барча ҳамкасбларимизни касб байрамлари билан чин юракдан қутлайман. Энг аввало, юртимиз доимо тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Ўзбекистонимизга кўз тегмасин. Шундагина байрамлар ярашади.

Даврон ҚАЛАНДАРОВ суҳбатлашди.

МИННАТДОРМИЗ

Ойнаи жаҳонда хорижлик ҳамкасбларимиз тайёрлаган лавҳаларни кўрганимда уларга иштиёқим ошарди. Тақдирни қарангки, ўзим ҳам журналистика соҳасини танладим. Яқинда ўқишни тамомлайман. Шу ўринда факультетимиз ҳақида икки оғиз сўз.



Вазирлар Маҳкамасининг "Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 88-сонли қарорига асосан 1999 йилда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети таркибида халқаро журналистика факультети ташкил этилди. Ҳозирда "Халқаро журналистика" таълим йўналиши бўйича бакалаврлар ва "Халқаро журналистика", "Спорт журналистикаси" ихтисослиги бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

Факультетимизда инглиз, немис, француз, испан, араб, япон, хитой, форс, поляк, корейс тиллари билан бирга журналистика назариёти ва амалиёти мукаммал ўргатилади. Бир қанча талабаларимиз Президент, Навоий стипендиатлари, LG гранти ва Республика олимпиадаси ғолиблари, Корея Бутунжаҳон ёрдам фондининг стипендияси, Корея COICA ташкилотларининг имтиёзли стипендияларига сазовор бўлишган. Бир неча Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳам таҳсил олади. Факультет ташкил этилгандан бери 120 дан ортиқ талабалар давлат грантлари асосида жаҳоннинг нуфузли университетларида таҳсил олиб қайтишди. 2005 йилда "PRESS-UZ INFO" веб-сайти очилди. Шу йилдан бошлаб "PRESS-UZ INFO" агентлиги бўлиб иш олиб бормоқда. Талабаларнинг иккита дебат клуби ўқув-теле студияси,"Ҳаваскор" радио студияси, фотолабораториялар, 4 та япон, корейс, хитой, поляк ўқитиш марказлари фаолият кўрсатмоқда.



Устозларимиз Хислат Маҳамадалиев, Бойбўта Дўстқораев, Сайди Умиров, Саодат Султонсаидова, Санжар Содиқов, Нарзулла Жўраев,Феруза Тўраева, Тўлқин Эшбеков, Амрилло Каримовлар халқаро журналистлар тайёрлашга бел боғлаганлар. Факультет очилгандан бери "Истеъдод" жамғармаси ташкил этилган ва 50 га яқин ўқитувчиларимиз хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтишган. Бугунги кунда халқаро журналистика факультетини тамомлаганлар республикамиз оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб бормоқда. Шу билан бирга, хорижий мамлакатлардан туриб, бир қатор журналистларимиз мақола, хабарлар юборишмоқда.

Нигора ЎРАЛОВА, Ўз ДЖТУ талабаси.

Бекатда ишга, ўқишга кеч қолиб, хуноб бўлиб турган йўловчиларнинг кўзи автобусга тушиб, шошилганча унга интилишди. Автобус тирбанд, аммо шофёрнинг парвойи фалак. Беш дақиқадан кўпроқ вақт ўтди, бироқ автобус жойидан қимирлай демайди. Тоқати тоқ бўлган йўловчилардан бири: «Шофёр ака, бугун ишга бормай кўя қоламиз-да, энди» — дейиши билан чиптачининг «гап халтаси» очилиб кетди. «Биз планни тўлдиришимиз керак! Ҳаммаларинг ойлик йўл чиптасида юрасизлар. Яна осмондасизлар...»

АНДИШАНИНГ ОТИ ҚЎРҚОҚМИ?

Луқма

Яхши иш бўлмади-да, гапирган йўловчи ахийри ҳайдовчи ва чиптачига одамларнинг оғирини енгил қилаётгани учун «раҳмат» айтиб қутулди. Қани, эътироз билдириб кўринг-чи! Нақ балога қолиб кетасиз.

Яна бир мисол. Баъзи бир расмий идораларга ишимиз тушиб қолса борми, ҳужжатимиз қўлга теккунигача ходимларига «қуллуқ» қилишимиз керак, акс ҳолда ишимиз орқага сурилаверади.

Кутубхонадан битта китобни топиш учун узоқ овора бўласиз. Агар, у ердаги суҳбатлашиб ўтирган ходимларнинг бирортасидан маслаҳат сўраб қолсангиз борми, «ажойиб суҳбат»нинг белига тепганингиз учун уларнинг қовоқ уйишларига сабр-бардош қилиб, кечирим сўрашингизга тўғри келади.

Ахир, у китоб сизга жуда зарур. Ишингиз битиши учун чидайсиз-да, энди. Бу ерга яна келишингизни ўйлаб, кетаётганингизда ҳам уларни безовта қилиб қўйганингиз учун узр сўраб қўйишингиз лозим.

Бундай мисоллар жуда кўп. Нимага шундай? Андишанинг отини қўрқоқ дейдилар. Ҳамма ўз ишини билиб қилгани яхши эмасми? Лекин нима учундир кўпинча бехудага асаббузарликлар келиб чиқади. Энг ёмони, қимматли вақтимизни йўқотамиз. Сиз ҳам юқоридагига ўхшаш ҳолатларга гувоҳ бўлгансиз, албатта. Аслида, ҳаётдаги хато ва камчиликларни тузатиб боришга барчамиз бирдек масъулмиз. Шу боис ҳақ-ҳуқуқларимиздан ўрнида фойдаланишга ҳаракат қилайлик, азизлар.

Барно МЕЛИҚУЛОВА, талаба.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА КРЕДИТЛАШ

Инвестиция сифатида берилаётган кредитлар қишлоқ хўжалиги соҳасида, шунингдек, майда ишлаб чиқаришда даромад олиш имкониятларини кўпайтиради. Истеъмол кредитлари «инқирозга тушган» корхоналарни вақтинча ушлаб туришга мўлжалланган. Ривожланаётган мамлакатларда олиб борилган тажрибалар хўжаликларнинг 80 фоизгачаси молия институтларига мурожаат қилиб кредит олиши мушкуллигини кўрсатмоқда.

Хорижий тажриба

Кўпгина Осиё давлатлари инвестицияга йўналтирилган кредитнинг муҳимлигини тан олиб, қишлоқ хўжалиги учун давлат фондларининг субсидияли кредит дастурларини киритишган. Кейинги йигирма йил давомида хорижий давлатларда микромолиялашнинг янги моделлари вужудга келди. Ушбу моделлар кам даромадли хўжаликларга қаратилган бўлиб, кўпинча уларга кредитни гаровсиз фоиз ставкаларида беради. Бу қишлоқ хўжалигидаги кичик корхоналарга ривожланиши учун имконият яратади.

Бангладешнинг Грамин банки жаҳонда микрокредитлашни жорий этган биринчи банк сифатида танилган. У аслида 1976 йилда тажриба сифатида таъсис этилган. 1983 йилда эса расман молия институти бўлди ва ҳозирда Бангладеш қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ярмидан кўпига хизмат кўрсатади.

Грамин банки майда ва ночор корхоналарга даромадли лойиҳаларни амалга ошириш учун кредит беради. У одатда кам ерли (гектарнинг бешдан бир қисми) хўжаликларга хизмат кўрсатади ва бунда гаров маблағи етишмаслигига ва норасмий манбалардан кредит олишга қарши янгича ёндашув қўлланилади. Яъни, бўлажак гаровсиз кредит олувчилардан бештаси бир гуруҳни ташкил этишлари керак. Кредит гуруҳнинг ҳар бир аъзосига алоҳида берилади, лекин кредит қайтариш учун бутун гуруҳ масъул бўлади. Агарда бирон аъзо кредитни қайтара олмаса, уни бутун гуруҳ қайтариши лозим. Акс ҳолда кейинги кредитланиш имкониятидан бутун гуруҳ маҳрум бўлади.

Давлатга тегишли бўлган банк Ракйат Индонезия (БРИ)микромолиялашнинг ўзига хос моделини жорий этган. БРИ катта корпоратив ва халқаро хизматлар кўрсатувчи банк ҳисобланади, унда қишлоқ хўжалигига микрокредитлар ажратиб берувчи алоҳида бўлим ҳам мавжуд.

БРИ томонидан ҳар қандай қишлоқ хўжалиги фаолияти учун кредит ажратилади ва кредит учун гаров талаб қилинади. Бу эса хўжалик юритувчиларга ишлаб чиқариш жараёни устидан тўлароқ назорат ўрнатишга имкон беради. Кредитга фоиз ставкалари ва асралган маблағ орасидаги фарқ етарли катта бўлиб, нафақат чидамли фаолият юритишга, балки яхши даромад кўришга сабаб бўлади. Банкнинг ана шу сиёсатига асосан БРИ ҳатто ҳудудий молиявий ва иқтисодий тушкунлик содир бўлганда ҳам фаолиятини даромадли даражада ушлаб тура олади.

Болтиқбўйи мамлакатларида хорижий капитал иштирокида янгидан тузилган корхоналарга солиқ бўйича муайян имтиёзлар берилган. Солиқ миқдори чет эл инвесторининг улушига қараб белгиланади. Масалан, Эстонияда улуши 30 фоизни ташкил этган қўшма корхона 2 йилга даромад солиғидан озод этилади. Кейинги 2 йилда бундай корхонадан ставкада белгиланганидан кам солиқ олинади. Агар қўшма корхона давлат томонидан устувор деб белгиланган соҳада фаолият кўрсатса, у солиқдан 3 йилга озод этилади, кейинги 2 йилда солиқ 2 марта камайтирилади. Хорижий капитал улуши 50 фоиздан ёки 1 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган қўшма корхоналарга «уч йиллик солиқ таътили» берилади, кейинги беш йил мобайнида солиқ миқдори тенг ярмига қисқартирилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонуни мамлакатимизда кредит иттифоқларини тузиш ва ривожлантириш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириб бориш, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши жараёнидаги муносабатларни тартибга солиш учун ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, аграр тадбиркорликни молиялаштириш тизими бўйича жаҳон тажрибаси асосида, кичик ер майдонига эга бўлган, хусусий капитали ва гаров мулки етишмаётган фермер хўжаликлари учун фермерлик уюшмаси кафолати асосида кредит олиш тизимини жорий этиш ва кредит уюшмаларини ривожлантириш Ўзбекистоннинг бу соҳадаги фаолиятини молиялаштиришда муҳим ўрин тутади.

Хайрулло СОЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.



Гулвера Жумаева 25 йилдан буён Қарши педагогика коллежида ёшларга сабоқ бериб келмоқда. Шогирдларининг таърифича, устоз ниҳоятда талабчан, шу билан бирга, ёшларга ғамхўр ва меҳрибон мураббий сифатида ном қозонган. Олий тоифали биология фани ўқитувчиси бўлган бу аёлнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйганига ҳам анча вақт бўлди. У 2002 йилдан буён «Гулвера» хусусий ишлаб чиқариш фирмасини ҳам бошқариб келмоқда. Фирманинг 6 нафар ишчилари кийим-кечаклар, стол-стулларга ғилоф ва бошқа бир қанча буюмлар тикишади. Фирма ўтган даврда кам таъминланган оилалар фарзандларининг 7 нафарига ўқиш учун шартнома пулларини тўлаб берди. Гулвера опани шогирдлари мақтаганича бор экан, ҳамиша яхши ишнинг этагидан тутишга интилади. Ҳозирда коллеж ошхонаси ишини юритишга ҳам бош-қош бўлиб келмоқда. Бу ерда 2000 нафар талабага намунали хизмат кўрсатиб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида бир қанча хайрли ишлар қилинди.

— Ҳунарли, билимли одам ҳеч қачон хор бўлмайди, — дейди Гулвера опа.— Ҳаракат, меҳнат инсонни тарбиялайди, рўзғорини бутлайди. Ҳиндистон, Хитой, Эрон мамлакатларида сафарда бўлдим. Хорижда ҳам кўпчилик оилаларда тадбиркорлик ишига алоҳида эътибор берилар экан. Ҳукуматимиз томонидан касаначиликни ривожлантириш тўғрисидаги қарорининг қабул қилиниши тадбиркорликка янада кенг имконият яратди. Бу имтиёз ва имконият асосида ишларимизни ривожлантириб, элимизга хизмат қилиш асосий мақсадимиздир.

ҒАЗНАЧИЛИК — ИҚТИСОДИМИЗ ТАЯНЧИ

Бозор шароитида давлатнинг молиявий ресурсларини бошқаришнинг аҳамияти беқиёс, шунинг учун республикамизда давлат бюджети ижросини амалга оширишда ғазначилик тизимига ўтиш зарурияти пайдо бўлди. Мамлакатимизда бюджет тизимининг барча бўғинларида ягона ташкилий-ҳуқуқий асослардан, стандарт ва бюджет технологияларидан фойдаланиш, солиқ тўловчиларнинг пулини иқтисод қилиш ва кўзланган мақсадга эришиш учун ғазначилик тизими яратилди.

Ғазначилик давлат солиқлари йиғимини ва улардан фойдаланишни таъминлайди, маблағлар устидан назоратни амалга оширади, шунингдек, давлатнинг ташқи ва ички қарзларини бошқаради ҳамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари пул оқимлари мониторингини олиб боради. Ғазна тизими бюджет маблағларини самарасиз сарф қилиш ҳолатларини кескин камайтиради. Ғазначилик жорий этилиши билан давлат бюджетининг даромад қисми ижроси тижорат банклари томонидан эмас, балки ғазначилик тизими орқали амалга оширилади. Бюджетнинг ижро этилишида ғазначилик тизимига ўтиш бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишнинг, бошқарув органлари харажатларини қисқартиришнинг имкониятини берадиган тўғри йўллардан биридир.

Республикамизда ғазначилик тизимининг дастлабки тажриба усули Самарқанд вилоятида ҳамда бюджетдан молиялаштириладиган айрим ташкилотларда ўтган йилдан бошлаб синаб кўрилди. Жорий йилдан эса Қорақалпоғистон Республикаси ва яна бешта вилоятда ҳамда Тошкент шаҳри бюджет ташкилотларида бу тизим жорий қилинди. 2007 йил бошидан эса Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизими тўла фаолият кўрсата бошлайди.

Ҳукумат томонидан мазкур лойиҳани босқичма-босқич амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Унинг бошланғич босқичида мудофаа ва ҳуқуқ-тартибот органларини молиялаштириш шу кунга қадар риоя этиб келинган қоидалар асосида амалга оширилади. Бюджет ташкилотлари томонидан ҳисоботларни тайёрлаш қоидалари ғазначилик тизими жорий қилингандан бир йил кейин ҳам ўзгармас равишда давом эттирилади. Иккинчи йилдан бошлаб бутун тизим ғазначилик қонун-қоидалари асосида фаолият кўрсатади. Давлатимиз иқтисодиётида янгилик бўлган давлат бюджетининг ғазна ижроси бўйича мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан ғазначиликнинг назарий томонларини асослаб берувчи адабиётлар ҳам яратила бошланди.

Ғазначилик соҳасида ишлайдиган кадрлардан ахборот технологияларини яхши тушуниш, ажратилган маблағлар мажбуриятлари ва унинг ҳуқуқий жиҳатларини ҳамда ҳисобкитоб ишларини яхши билиш, шартнома базаси бўйича чуқур билимга эга бўлиш, бюджетлараро алоқаларни ва яна ғазначиликда учрайдиган кўплаб соҳаларни аъло билиш талаб этилади. Бугунги кунда бу талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда давлат бюджетининг ғазна ижросига ўтишда ривожланган давлатлар тажрибаларининг ижобий томонларидан фойдаланилса, маблағлар мақсадсиз сарфланишининг олди олинади, талон-тарожликлар сони кескин камаяди.

Илҳом НАБИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Ўз бобосининг қотили

Ярим кечаси. Канал бўйида икки киши кетаяпти. Бири — мўйсафид, ҳассага суянган чол, иккинчиси эса барваста йигит. Улар узуқ-юлуқ суҳбатлашиб боришаётган эди. Тўсатдан йигит чопони қатидан пичоқ чиқарди-ю, чолнинг қорнига, кўкрагига бир неча марта санчди. Бу ҳам етмагандек, ердаги ҳассани олиб чолнинг бошига урди. Йигит чолни дўппослашни бас қилай демас, унинг кўзлари қонга тўла эди... Чол атрофдагиларни ёрдамга чақириш у ёқда турсин, инграшга ҳам улгурмади...

«Шарип акани кимдир милицияга ушлаб берибди...»

Ҳамма машмаша шундан бошланди. Тиркаш бобо ўғлининг тўққиз ойдан бери милициядан қочиб-беркиниб юрганини биларди. «Ахир, одам ўлдирмаган ёки йўлтўсарлик қилмаган бўлса, наша сотган бўлса сотибди-да. Бўш қоп тик турмайди, яшаш керак...» Бобой шунга ўхшаш гаплар билан ўғлининг қора қилмишини ўзича оқларди ҳам. Барибир, боласи-да.

Тиркаш бобони «Шарипни ким ушлаб берди?» деган савол қийнарди, сотқиндан ўч олиш нияти унинг ҳаловатини ўғирлаганди. Баъзи ҳамқишлоқларидан гумонсиради. Орқаворотдан сўраб-суриштирди. Шунда... сўнгги тафсилотлар уни эсанкиратиб қўйди.

Нақотки, мўмин-қобилгина невараси Баҳодир ўз тоғасига шуни раво кўрган бўлса?! «Шарип охирги вақтларда неварангизникида яшириниб ётувди, уни Баҳодир бориб айтмаса, ким айтади?!» деганга ўхшаш асосли важлар Тиркаш бобонинг шубҳасига шубҳа қўшди. Гумон иймондан айиради, дейдилар. Нима бўлганини обдон текшириб кўради барибир. Текшириб кўриши шарт!

Тиркаш бобо суриштирувни орқага суриб ўтирмади, эрталабдан тўғри Баҳодирнинг уйига борди. Важоҳат билан эшикни тақиллатди. Ичкаридан Баҳодирнинг ўзи чиқиб келди.

Тиркаш бобо бироз муддат неварасининг кўзларига тикилиб турди. Баҳодир эса гап нимада эканини фаҳмламай қотиб қолди. Неварасининг бу тахлит туришидан жаҳли чиқиб кетган бобо сўкиниб:

— Ўғлим Шарипни, ўз тоғангни милицияга ушлатиб берибсан-а? У сенга нима ёмонлик қилувди, тирмизак?! — дея унинг ёқасига ёпишди.

Бундай қўққис айбловдан шошиб қолган Баҳодир:

— Бобо, тоғам... тоғам «побег»да юрганида тўққиз ой уйимда сақлаганман-ку. Мен уни ушлаб берганим йўқ... — дея базўр жавоб берди. У бошқа нарса дейишга улгурмади.

— Сен агентсан, ўғлим Шарипни сен ушлаб бергансан. Ярамас!

Тиркаш бобо шундай деганича орқасига ўгирилиб, уйи томон жўнади. У ортиқ ҳеч нарса қилолмади. Ҳеч нарса қилолмасди ҳам. Қўлида бирор далил йўқ, бунинг устига Баҳодир — невараси...

* * *

Орадан анча вақт ўтди. Миш-мишлар ҳам тинчигандек эди. Баҳодир бобосини деярли кўрмасди. Аниқроғи, ундан қочиб юрарди. Аммо қачонгача?.. Ички бир қўрқув уни тинч қўймасди. «Гап тарқатса-чи, унда нима бўлади? Тоғаси бирон кун барибир чиқади. Қишлоқдошлар орасида бош кўтариб юриш бор...»

Хаёлига келган фикрдан, мудҳиш ўйдан аъзойи бадани-га қалтироқ турди. «Йўқотиш керак бобосини, йўқотмаса бўлмайди... Аммо қачон?.. Қандай қилиб? Қўлидан келадими бу иш?..»

Узундан-узоқ ўйлардан қочиб бўлса керак, Баҳодир пешинга яқин томорқасидаги экин-тикинга сув очиш учун канал бўйига борди. Шайтоннинг йўриғи шекилли, аксига олиб, бобоси ҳам канал бўйида эди.

Икки нигоҳ тўқнашди. Улар бир-бирларидан ҳолаҳвол сўрамадилар. Тиркаш бобо Баҳодирга совуқ оҳангда:

— Самарқандлик Зоир исмли танишингга айтгин, меникига келсин, унга берган пулимни олишим керак, — деди.

Баҳодир индамади. У нимагадир илжайиб қўйди.

Шу куни кечаси соат тахминан тунги соат ўн иккиларгача уйида машъум ўйлар гирдобига ғарқ бўлган Баҳодир сапчиб ўрнидан туриб, ошхонадан катта пичоқни олди. У бобосининг уйига отланган эди...

* * *

— Зоир акани кўрдим, у киши йўлда қараб турибди, — деди Баҳодир шу гап билан бобосини кўчага олиб чиқишни ният қилиб.

Аввалига Тиркаш бобо бемаврид келган невараси-га эргашмади, лекин қарзга берган пулини олиши керакligини эслаб, бо-ришга қарор қилди.

Улар йўлга тушишди. Невара — олдинда, сал орқарокда — бобо чурқ этмай жим боришарди. Баҳодирнинг хаёли чарх уриб айланар, бобо эса қарзи унаётганидан мамнун, ҳали қўлига келиб етмаган пулнинг ҳисобидан ул-бул кўтариб бориб турмадаги ўғлини йўқлаш ҳисобини олиб борарди.

Улар тўхташди. Канал бўйига келиб қолишибди. Қора тун сув бўйида янада қорароқ, қўрқинчлироқ кўринар эди. Бу зулмат ичида сал нарирокда турган невараси-нинг юзи ҳам кўринмаётган эди. Бобонинг эти увишди, бирдан юраги орқага тортиб кетди.

— Қани, Зоир, нега ёлғон гапирасан?.. — Тиркаш бобо шундай дея гап бошлади-ю, қолгани бўғзида қолди.

Баҳодир секингина, аммо важоҳат билан:

— Сиз мени Соли акага ёмонлаганмишсиз. Ахир, мен ушлаб бермаганман-ку, тоғамни, — деди бўғилиб.

— Сен... сен... ушлаб бергансан!.. — Тиркаш бобо невараси-га тик қараб дағдаға қилди.

Ғишт қолипдан, иймон қалб уйидан кўчган. Бирдан Баҳодир чопонининг қатидан пичоқни олди-да, бор кучи билан бобосининг қорнига суқди. Кейин бир неча бор кўкрагига пичоқ урди. Шу топда Баҳодирнинг кўзи кўрмас, ақли тош қотган эди, у ерда ётган ҳассани олиб йи-қилиб қолган бобосини калтаклаб кетди. Бир муддатдан сўнг чол қимир этмай қолди.

Ана шундагина Баҳодир қилган ишини англаб етди шекилли, орқа-олдига қарамай қочди. Уйига борди-ю, кийим-бошини ахлатхонага ирғитди. Ярим тун эмасми, нима қилишини билмай ўзини ухлаганга солди. Кўзига уйқу илинмади, тўлғона-тўлғона тонг саҳарда хаёлига бобонинг жасадини кўздан йўқотиш керак деган ўй келди.

Канал бўйига бориб, бобосининг жасади олдида фотиҳа ўқиди. Сўнг мурдани айқириб оқаётган каналга ташлаб юборди...

Жиноят йўлига боши билан кирган Баҳодир оёғининг ташқарида қолиб кетишини истамади. Бир кун ўтгач, кечаси бобосининг уйига бориб, боқувдаги хўкизни яшфиринча олиб чиқиб кетди. Тонгда уни туман бозорида 160.000 сўмга пуллади...

* * *

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ кунга қолмай очилди.

Тергов ҳужжатларида Баҳодир Тиллаев айбига иқрорлик билдиргани ҳақида ёзилган бўлса-да, судда у айбим йўқ, деб туриб олди.

Одил суд ҳукм чиқарди. Судланувчи Баҳодир Тиллаев қасд-дан одам ўлдириш, ўғирлик каби оғир жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилди. Унга Жиноят кодексининг тегишли моддалари асосида 17 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

* * *

Самарқанд вилоятининг қишлоқларидан бирида содир бўлган бу воқеа қаҳрамонлари — Шариф гиёҳванд моддани пуллаш билан шуғулланса, Тиркаш бобо ундан надомат чекмаса, Баҳодир (исм-шарифлар ўзгартирилган) бобосининг жонига қасд қилса... Бу ёвузлик занжири қаерда узилади?..

Дарвоқе, Баҳодир қора курсида ўтирган кунларда ота бўлди. Афсус, навқирон ота тўнғич фарзандини йўргакдалик чоғида қўлига ололмайди.

Шерзод ХАЙИТМУРОДОВ.

• Такрор мутолаа

КУ-КУ-КУ...

Тоғай МУРОД

У жуда ориқ, ўзи сариқ бўлгани учун сийраклашиб қолган сочлариям сарғиш. Қачонлардир яхшигина шеърлар ёзиб, энди расмий ишлар гирдобига тушиб, назмий туйғулари сўниб қолган. Сал энгашиб, оҳиста-оҳиста, нималарнидир ўйлаб, хафақон касали билан оғриб юради. Хафақон касалига йўлиққандан буён ичмайди, чекмайди. Сўзлаганда овози оғир касалларникидай нимжон, хаста чиқиб, диққат қилмаган одам яқинида бўлсаям эшитмайди. Кулганда тишлари кўринмаслиги учун лабларини лабларига шундай қаттиқ босадики, қўй кўзлари юмилай-юмилай деб, юзлари қизариб кетади...

У журналларга обуна бўлишни яхши кўради. Ҳар йили кўплаб хорижий ва ўзимизнинг журналларга обуна бўлади. Уйида журналлардаги расмларни, Рембрандт, Рафаэль, Боттичеллининг нодир асарларини томоша қилиб ўтиради. У яна қушлар, уларнинг сайрашиниям яхши кўради. Ишлаб чарчаганида ўзи директор ўринбосари бўлиб ишлаётган шаҳар истироҳат боғининг хилват жойига ўтириб, Шишкиннинг расмларини томоша қилади, қушларнинг сайрашини кутади. Айниқса, Шишкиннинг «Буғдойзор»ига узоқ тикилиб қолади. У ўзича икки тоифадаги одамларга ачинади. Бири – Шишкиннинг расмлари олдидан бепарво ўтган одамга, иккинчиси — қушлар сайраётганда сўзлашган одамга. Шу одамларни тўхтатиб, дегиси келади: «Биродар, тўхтанг, кўряпсизми Шишкиннинг қайинларини: ҳаёт гўзал, шунақа...»

«Биродар, эшитяпсизми, тоғ чумчуғи сайраяпти. Бу оҳангни Бетховен ҳам билмаса керак. Афсус, бу оҳангларнинг номи йўқ. Эшитинг, қушларни эшитинг...»

Шу пайт дарахт шоҳларида қўниб турган қушларнинг турли нағмадаги сайрашлари эшитилади. У «Муножот»ни тинглаётгандай бошини маъюс эгиб эшитади. Юзларига табассум югуради. Ўрнидан туриб, қўлларини кўксига қўяди-да, қушларга таъзим қилади:

— Офарин, биродар, офарин. Қуллуқ!..

Хаёлан қушлар овози қанотида узоқларга — оппоқ булутлар оламига учиб кетади...

«Ай, биродарлар, сизлар учун ёғочдан уя ясадим, шунақа. Тоғлардаги биродарларимизга ҳам айтинг, боғимизга келсинлар. Мен уларгаям уя қуриб бераман, шунақа...»

У хушвақт жилмаяди...

У кекса ота-онасини кўриш учун қишлоққа бориб, тез қайтди. Машина баланд довондан сойга тушиб, шовуллаб оқаётган кўм-кўк сувдан ўтди. Чапга бурилиб,сув ёқасида тўхтади. У машинадан тушиб, костюмининг тугмаларини ўтказди. Теваракка қаради: йўлни икки томондан ҳайбатли тоғ чўққилари ўраб турибди. Ботаётган қуёш тоғ чўққиси учида осилиб қолгандай... Тоғдан оқиб тушаётган сувнинг шовуллаши эшитилиб, сув оқаётган сойдан салқинлик уфуриб турибди. Бир гала ёввойи каптарлар чўққилар узра учиб юрибди. Каптарлар қўнганда чап қўлини пешонаси устига соябон қилиб қаради. Кўрмади. Сайр учун каптарлар қўнган тарафга юрди. Катта тош остида бир нарсанинг питирлаётганини кўрди. Тўхтаб, ўша ёққа юрди. Икки тош орасидаги қизил тупроқ устида турган инни кўрди. Яқинроқ борди. Хас-хашакдан ус-талик билан ясалган инда қуш боласи, юмшоқ тупроқда эса яна бири... Ердагиси типирчилаб инга чиқмоқчи бўлар, аммо чиқолмас, индагиси эса бўйинларини қисиб, пусиб ётарди. У ин яқинидаги сариқ тошга ўтириб, уларни узоқ томоша қилди. Мусича болаларининг онаси йўқ... Ё улар онасизмикин?

Қуёш ботиб, тоғларга оқшом чўкди. Мусичаларнинг онаси ҳамон йўқ. У кетмоқчи бўлди. Шунда, мусичалар бўйинларини чўзиб, бирам ғалати чийилладики... Унинг юраги увушиб кетди. Мусичаларни олиб, уларнинг ҳўл баданини тўлиқ ёпмаган жунларини силай-силай пастга тушди. «Энг беозор қуш. Булар одамларга фақат яхшилик тилайди. Кукулашлари, таъзимлари... шунақа», — деди у ўзича.

Рўмолчасини машина ўтирғичига ёйиб, устига мусича болаларини қўйди. Идорага келгач, мусича болаларини диванга қўйиб, жунини силади. Уларни ҳовлига — дарахтлар остига қўйиб юбормоқчиям бўлди. Тоғдагидай бу ерда ҳам ўз тирикчилигини ўзи қилар, деб ўйлади. Авайлаб ҳовлига олиб чиқди. Кўм-кўк ўтлар устига қўйиб, бирпас кузатиб турди. Улар жойидан қимирлайвермагач, мендан ҳайиқяпти, деб ўйлаб, хонасига қайтиб кирди. Бирпас янги журналларни титкилаб ўтириб, деразадан қаради. Мусича болалари дарахт ёнида бошларини бир-бирига тегизиб, мудраб, мусича болаларини диванга қўйиб, жунини силади. Уларни ҳовлига — дарахтлар остига қўйиб юбормоқчиям бўлди. Тоғдагидай бу ерда ҳам ўз тирикчилигини ўзи қилар, деб ўйлади. Авайлаб ҳовлига олиб чиқди. Кўм-кўк ўтлар устига қўйиб, бирпас кузатиб турди. Улар жойидан қимирлайвермагач, мендан ҳайиқяпти, деб ўйлаб, хонасига қайтиб кирди. Бирпас янги журналларни титкилаб ўтириб, деразадан қаради. Мусича болалари дарахт ёнида бошларини бир-бирига тегизиб, мудраб, мунғайиб турардилар!.. У шошиб бориб уларни олиб келди. Ҳеч қаёққа чиқармасликка аҳд қилди.

Ҳикоя

Уларга жой қидира бошлади. Қоровулхона қулайдай. Айниқса, бурчакда турган шкаф тепаси. У ҳовлидан ранги кўчиб кетган эски мис товоқча топиб, унда сув олиб келди. Ер, емаса турар, деган хаёлда бозордан ярим кило тариқ олиб келди-да, бир сиқимини мусичалар олдига сепиб, уйига кетди.

Мусичалар ўз умри билан туғилган экан. Катта бўлиб қолишди...

У қоровулхонага кирди. Мусичалар энди учадиган, хонада йўрғалаб юрадиган, бир-бирларини қувалаб столлар остига кириб кетадиган бўлган эдилар. Сарғиш жунлари қорайган, тумшуқлари бигиздай... Чиройли! Узун қанотларининг усти сал қорайган, ости эса оппоқ. Бирининг қанотлари худди каптарларникидай ола. У пояндоз устида йўрғалаб юрган мусичаларга қараб завқланиб:

— Э-э, жуда гўзал бўпсизлар-ку, биродарлар. Яхши эмас, кўз тегиши мумкин, шунақа, — деди.

Тариқ олиб келгани бозорга борди. Сотувчи чолга:

— Илтимос, яхшироғидан беринг, яқинда мусичаларим ку-кулайди, шунақа, — деди.

Чиндан ҳам мусичалар оқшомда илк бор... илк бор ёнма-ён туриб, вазмин, самимий таъзимлар билан салом қилдилар:

— Ку-ку-ку-ку...

У мусичалар кетиб қолмаслиги учун деразаларни ёпиб қўйди. Хонада мусичалар қўниб-учиб турадиган жой қилмоқчи бўлди. Ҳовлидаги ўрикнинг кичкина шохчасини синдириб олди-да, деворга суяб қўйди, мусичалар қўнишига бу ноқулайдай туюлди. Идора супуртириш учун ишлатиладиган пақирларнинг бирига пича лой олиб келди-да, ўрик шохчасини лойга суқиб қўйди. Пақир атрофига дон сочиб, кичкина мис идишда сув олиб келди. Мусичалар хона ичида айланиб учиб, стол устига қўндилар-да, бараварига бошларини эгиб, таъзим қилдилар:

— Ку-ку-ку-ку...

У ўзида йўқ қувониб, бош ирғади:

— Бали, бали...

У эрталаб ўзини ёмон сезиб, валерианка ичди. Ёнбошлаб ётганида қоровул телефон қилиб, директор курортдан қайтиб, идорага келганини айтди. У кийиниб, уйидан зўрға чиқди. Сочсиз боши юзларидай қип-қизил, қоп-қора кўзлари чиройли, лаблари гўдакларникидай жуда юпқа, қошлари сийрак директор бир сохта табассум қилди-да, яна аслига қайтди:

— Жа, янгилик кўпу. Бизнинг ақлимиз етмабди-да шуларга. Буни қаранг-а...

Кутилмаганда директор кўзларининг оқи кўпайиб, қорачиқлари қаёққадир йўқолиб қолгандай бўлди.

— Бу маданият боғи! Бу ерда паррандалар эмас, халқ ҳордиқ чиқариши керак! Тавба, ҳамма дарахтларга уя қўндириб чиқибди-я. Ҳаммаёқ мусича тезаги... Нима, бу зоопаркми?..

— Ўртоқ директор, қушлар ҳам халқ...

— Сиз раҳбарми ё каптарбоз октябрятми? Марҳамат, ёзинг ариза. Ақли кириб қолар болалигини ташлаб, деб шунча сабр қилдим, етар...

У директор суриб қўйган қоғозни олди-да, ўз хонасига чиқиб, ариза ёзди. Ариза ёзганида юраги ёмонлашди. Шунда зўр соғиниш билан мусичаларини кўргиси, улар билан мулоқотда бўлгиси келди. Қоровулхонага бориб, аланглаб туриб қолди. Мусичалар йўқ. У стол, шкаф тагларини, дераза пардалари орқасини қаради. Йўқ. Қоровул ҳам йўқ. Директорнинг эшиги олдига келиб, энтикиб:

— Мусичаларимни кўрмадингизми? — деди.

— Ана, ҳовлида. Ўзларидан кўрсин, ҳайдадим, кетмади... — деди директор бошини кўтармай.

У шошиб ҳовлига чиқди. Чиқиндилар қутисида мусичалар бошлари орқасига қайрилиб ётарди... Унинг юзлари оқариб, лаблари пирпиради. Боши ғувиллаб, бутун фикру хаёллари тумандай хиралашиб, кўзлари ҳеч нарсани кўрмай қолди. Энтикиб, чуқур нафас олмоқчи бўлди-ю, аммо нафаси етмади. Юрагини худди бир махлуқ панжалари тирноқларини ботириб чангаллагандай, кейин эса бирдан... ғижимлагандай бўлди. Кўкрагини ушлаб ингиб, синиқ овоз билан:

— А-а-а-а... — деди-да, скамейкага ўтириб қолди.

У ўзига келиб, бошида унга термулиб турган қоровул билан директорни кўрди. Директор жилмайди:

— Айёрлик қилманг-е, қўрқитвордингиз. Ариза ёз, деб шунчаки айтдимда...

У ёруғ оламга қаради... Худди Шишкиннинг расмларини томоша қилаётгандай ҳаётга суқланиб-суқланиб термилди. Шунда, олча шохига қўниб турган мусичага кўзлари тушди. Унинг мусичаларига жуда ўхшаркан. Мусича бир нағмада ку-кулади:

— Ку-ку-ку...

Табассум! Унинг оппоқ юзларида маъюс табассум...

Таҳририят «Такрор мутолаа» рукни остида сиз севган асарларни бериб боришни режалаштирди. Сиз яна қандай асарларни ўқишни хоҳлар эдингиз? Бу ҳақда бизга ёзиб юборинг. Мактубларингизни кутамиз.

АЙТОЛМАГАН СЎЗЛАРИМНИНГ ТИНГЛОВЧИСИ...

(“Онамга мадҳия” туркумидан бир шингил)

Айвонимизнинг шифтидаги қалдирғоч уяси ҳар йил баҳор кезлари янги меҳмонлар билан тўлади...

Пишиқ-пухта солинган иморат — уядаги беғамгина полапонлар оналарининг егулик тўла тумшуғига интизор кўз тикиб ўтирадилар. Шўрлик онаизор эрта-ю кеч болалари дардида тиним билмайди. Она қалдирғоч тонг саҳардан то шом қоронғусига қадар чарх уриб учади, зир қатнайди, орадан кўп ҳам ўтмай... қанот чиқариб, учирма бўлган полапонлар ҳаммалари ҳар тарафга парвоз қилиб кетадилар. Қизиқ, болалари уяларидан узоқларга “бош олиб” кетганларида оналари улардан ранжимасмикан? Балки бу ҳол қушлар ҳаётининг қонунидир. Балки полапонлари қаерда бўлсалар ҳам соғомон юрсалар она қалдирғоч учун шунинг ўзи кифоя қилар. Ахир, ҳар бир она учун яхшими-ёмонми, фарзандининг бахт-иқболи, тинчи ва саломатлигидан улканроқ орзу бормикан?!

Ҳар сафар толиқиш сезмай елаётган она қалдирғочни кузатар эканман, Сиз кўз олдимга келасиз, Ойижон. Ҳаловат не эканини билмай, болаларининг камоли учун жонини бахшида қилаётган она қалдирғоч барча илму ҳунарни Сизга ва бизнинг оилага бўлган чексиз ҳавасдан топгандек туюлади. Дадаси дадам қурган уйдан намуна олиб, болалари учун кўркам уй қурган. Онаси эса Сизнинг бизга қилаётган меҳрибончилигингизни кўриб, Сизга ўхшашни ният қилган.

Меҳрнинг, муҳаббатнинг, фидойиликнинг андозаси бўлган Онажоним!..

— Дадаси, қаранг, қизимиз ўз қўли билан пиширди, мен қўл теккизмадим. Мазасини айтмайсизми, сиз учун қилибди...

Хамиридан тортиб, қиймасигача ўзи тайёрлаб, менга тайёр сомсани дастурхонга элтишнигина топшириб, яна оғзини тўлдириб: “Қизим пиширди, ўзи қилди”, — деб мақтанган онажоним...

Эъзоз

— Онажон, бугун анави орқа партада ўтирадиган йигит бор-ку, қўшни кўча муюлишидаги уйда яшовчи, ўша менга хат ёзди, ўзи ҳам ёмон йигитмас, менга ёқади.

Аслини олганда, унинг хат ёзганини ҳам, яхши йигит эканлигини ва менинг бефарқ эмаслигимни айтиш зарурати йўқ эди. Чунки мен ҳар кунги воқеа-ҳодисаларни, кўнглимдан ўтган кечинмаларни бирма-бир кундалигимга мунтазам ёзиб бораман. Аммо, Ойижон, Сиз мен ҳали варағини қоралаб улгурмаган гапларимни кўзларимдан уқиб оласиз. Сиздан бирор сир беркитмоқ, кимсасиз чўлда офтобдан қочишга уриниш демакдир.

Айтишга журъат этолмаган сўзларимнинг тингловчиси, ёзишга қўл бормаган хатларимнинг ўқувчиси — Онажонимсиз!

Сиз қувончимда ҳамроҳ, ташвишимда суянчиқ, мен билан ҳамиша ҳар ерда, бир зумга ҳам йироқлашмай бирга бўлгувчи сирдошим, аксимсиз!

Биргина нигоҳи билан кўнглимга қармоқ ташлаб, туйғуларимни ўқиб олгувчи моҳир ва тенги йўқ сайёдсиз!

Булутларнинг ёвуз қаҳридан, чақмоқ ва ёмғирлардан мени авайлаб, ҳеч бир гард теккизмай, паноҳида асрагувчи соябонимсиз.

Инжиқликларимни мум тишлаб кўтариб, истакларимнинг бари-барини беминнат рўёбга чиқарувчи олтин балиғимсиз.

Онажоним, Сиз Аллоҳнинг суйган бандаси экансиз, ато этиб келаётган барча неъматлари қатори бугун ёшингизга яна ёш инъом этди. Орадан йиллар ўтади, насиб этса, мен Сизнинг бугунги ёшингизни “забт этаман”. Ана ўшанда ҳам бугунги тароватингиз, гўзаллигингиз, суюкли ва меҳрибонлигингиздан лол қолиб, баҳра олиб юрайлик ва мен шунга аминманки, менинг Ойижонимнинг умрлари узоқ, бахтлари тўкис, соғлиғи ва латофати доимо у кишига содиқ қолади. Ойижонимнинг чиройли қалбидаги чиройли ниятлари амалга ошаверади! Дунёдаги энг бахтли Аёл, энг бахтли Она, энг бахтли Инсон сингари мукофоти олийларнинг барча-барчаси Сизники бўлади!

Мен Сизнинг кўзгунгиз, Сиз менинг кўзгумсиз. Истардимки, ҳар иккимиз ҳам кўзгуга боққанимизда бахт, қувонч, гўзаллик акс этган жозибали сиймони кўрайлик, Ойижон!

... Айвонимиз шифтидаги қалдирғоч уяси ҳар йил баҳор кезлари янги меҳмонлар билан тўлади...

Феруза МИРЗАЕВА,
Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси.

● *Мулоҳаза*

УЯЛИ ТЕЛЕФОН СОҒЛИҚ УЧУН ХАВФСИЗМИ?



Аввалларида бирон ишни битиришда машаққат чекиб, олис манзилларга бориб келиш зарур бўлган бўлса, ҳозир бу уяли телефон орқали бир неча сония ичида ҳал бўлади. Телефонда сўзлашиш ҳам ярим дийдор. Бундай қулайликлар ҳақида истаганча мисоллар келтириш мумкин.

Қўл телефонларининг тури ҳам, имконияти ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Уларнинг нархи ҳам аста-секин чўнтакбоп кўриниш оляпти. Рақобат ортгани сайин ҳар бир компаниянинг имконияти ҳам, мижози ҳам кўпаймоқда. Кўча-куйда мобиль телефондан фойдаланаётганларни тез-тез учратиб турамиз. Айримлар машина бошқараётган ҳолда телефонда гаплашади. Телефонда сўзлашиш, унда юмуш битиришнинг ёмон томони йўқ. Аммо айрим ёшларнинг ана шундай ноёб дастёрдан фойдаланаётганини кўриб, ажабланасан киши. Кимдир шу орқали ўзининг бадавлатлигини кўз-кўз қилмоқчи бўлса, яна кимдир таниши кўплигини, «қўли узун»лигини пеш қилмоқчи бўлади.

Айрим талабалар дарс вақтида ҳам телефонини ўчириб қўйишни унутиб қўяди. Телефон олиб юриш бугунги замонавий талабага қанчалик ярашса, ундан ноўрин фойдаланиш шунчалик беўхшов кўринади. Ахир замонавийлик «сотка»да узоқ сўзлашиш ёки ундан истаган жойда фойдаланиш билан ўлчанмайди-ку! Мобиль телефонда сўзлашишни «мода»га айлантираётганларга бепарво қараб бўлмайди.

Кўпчилик ёшлар эҳтиёж сезмаса ҳам «сотка» тутади. Бироқ бу алоқа воситасида саломатлигимиз учун хавф борлигини сезмаяпмиз. Бошимиз оғриши, тез-тез ҳолсизланишимиз сабабларини бошқа нарсалардан излаймиз. Аслида уяли телефондан таралаётган нурланиш организмда турли хил ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Мобиль телефонларидан нафақат ёши катталар, болалар, қариялар ҳам фойдаланишмоқда. Марказий асаб тизимимиз электромагнит тўлқинининг ахборий даражаси деб аталувчи юқори бўлмаган нурланишни кам сезади. Бу эса эшитиш қобилиятига салбий таъсир кўрсатиб, юрак-қон томир тизими фаолиятида бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Бундай телефонни бўйнига осиб олган қизларимиз, афсуски, унинг кўкрак қафасига салбий таъсирини билишмайди. Айниқса, ҳомиладор аёлларга, туғилажак фарзандга хавфи катта. Турли паррандалар, сичқон, қўён ва бошқа жониворларда олиб борилган тажрибаларда, у эмбрионнинг марказий асаб тизими шаклланишига салбий таъсир кўрсатган. Тадқиқотлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳомиладор аёлларга уяли телефондан фойдаланишдан воз кечишни тавсия қилди. «Сотка» орқали тез-тез ва узоқ сўзлашилганда, кишининг диққати сусаяди, чарчоғи ортади. Бу каби нурланишлардан ҳимоя қилишда сўзлашув уч дақиқадан ошмаслиги керак. Ва суҳбат орасида энг камида 15 дақиқалик танаффус ташкил этиш тавсия қилинади.

Уяли телефондан фойдаланаётганда қулоқлик орқали алоқа ўрнатиш хавфсиз экан. Бунда электромагнит майдонининг инсон боши атрофидаги даража кўрсаткичи 10 мартага камаяди. Энг қулайи, телефонга махсус кабель ёрдамида уланадиган 1,5-3 метр масофали кўчма антеннадан фойдаланиш. У автоулов ёки дала ҳовлида сўзлашиш учун ҳам қулай.

Нима бўлганда ҳам мобиль телефонга қаттиқ «боғланиб» қолиш соғлиғингиз учун салбий таъсир кўрсатишини унутмасангиз бўлгани.

Омонулла ФАЙЗИЕВ.

ФУТБОЛ

Футбол бўйича Жаҳон чемпионати ўзининг энг қизғин палласига кирди. Гуруҳ босқичи ортда қолгандан сўнг ҳар бир жамоа учун масъулиятли онлар бошланди. Айни дамгача мундиални тарк этган жамоалар сони 20 нафарга етди. Уларнинг орасида Германияга келишидан олдин чемпионлик учун асосий даъвогар саналган термалар ҳам анча-мунчани ташкил этади. Энди ортга йўл йўқ. Мундиалнинг нимчорак финалига чиққан жамоалар олдида иккита йўл турибди: ё ғалаба қозониб, чемпионлик сари йўлни давом эттириш, ё майдондан бош эгиб, ўз юрти сари равона бўлиш.

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА



Гуруҳ босқичини омадлилар сифатида якунлаган 16 жамоанинг тенг ярми юртига қайтган бўлса, қолган саккизтаси ҳам биз юқорида таъкидлаган икки йўлнинг бирини танлаши шарт. Демак, омадлиларнинг ҳоли нима кечиши барибир номаълум. Уларнинг тақдири 9 июлга келибгина аникланади. Шу куни жаҳон футболининг тожи кимга насиб этиши маълум бўлади.

Дарвоқе, Португалия ва Голландия терма жамоалари ўртасидаги баҳс мундиал нимчорак финалидаги энг кескин баҳс сифатида эътироф этилмоқда. Мухлисларнинг қайси бири Португалия учун хурсанд бўлса, Голландия учун қайғураётганлар ҳам камчилик эмас. Назаримда, шу куни Голландиядан ҳам кўра россиялик ҳакам Валентин Иванов имкониятни бой берди. Ушбу ҳакам XVIII Жаҳон чемпионатининг финалини бошқариш учун асосий даъвогарлардан бири сифатида кўрсатилаётган эди. Аммо нимчорак финалнинг навбатдаги учрашувида йўл қўйилган хатолардан сўнг унга финални ишониб топширадиган валломатнинг топилишига ишончимиз комил эмас.

Мундиал қизғин палласига кирди. Кимки вужудга келаётган асабий лаҳзалардан эсон-омон ўта олса, ўша Жаҳон кубогини боши узра даст кўтаришга ҳақли. Бу жамоанинг номини билиш учун эса кўп фурсат талаб этилмайди.

Суръат ШАРИПОВ.

Мирзо Улуғбек тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими сизлардан ёз мавсумида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишингизни сўрайди.

БЎЗ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

барча матбуотчиларни, заҳматкаш журналистларни

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

билан самимий муборакбод этади!

ДИПЛОМАТЛАР ЎЛДИРИЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА ХАБАР ТАРҚАТИЛДИ

Интернет тармоғида шу йил 3 июнь куни ўғирлаб кетилган тўрт нафар россиялик дипломатнинг қатл этилганлиги ҳақида хабар тарқатилди.

Тарқатилган видеоёзувда икки нафар дипломатнинг боши чопилгани, бир нафарининг эса отиб ташлангани акс эттирилган. Тўртинчи дипломатнинг қатл этилганлиги ҳақида фақатгина хабарларда айтилади.

Россиялик дипломатларни ўғирлаб кетганлик ва қатл этганлик учун масъулиятни ўзини “Ал-Қоида” билан алоқадор дея маълум қилаётган “Шўро мужоҳидлари кенгаши” гуруҳи ўз бўйнига олган.

Россия Ташқи ишлар вазирлиги ҳозирда дипломатларнинг ўлдирилганлиги фактини текширмоқда. “Бағдоддаги манбаларимиз айни пайтда россиялик асирларнинг ўлдирилганлиги ҳақидаги хабарни тасдиқлашмайди, — деб маълум қилган Россия ТИВ вакили Михаил Каминин. — ТИВ ва Россиянинг Ироқдаги элчихонаси мавжуд имкониятлар ва каналлардан келиб чиқиб, бу маълумотнинг ҳаққонийлигини текшириш бўйича иш олиб боришмоқда”.

Эслатиб ўтамиз, тўрт нафар россиялик дипломат — Фёдор Зайцев, Ринат Аглиулин, Анатолий Смирнов ва Олег Федосеевлар Бағдоднинг Мансур ноҳиясида ўғирлаб кетилганди. Элчихона кўриқчиси Виталий Титов эса воқеа жойида ўлдирилганди. Кейинчалик террорчилар Россия ҳукуматидан 48 соат ичида Чеченистондан қўшинларни олиб чиқиб кетишни ва чечен асирларини озод қилишни талаб қилишган эди.

ИТАЛИЯДА РЕФЕРЕНДУМ БОШЛАНДИ

Якшанба куни Италияда конституциявий ислоҳотлар ўтказишни назарда тутувчи икки кунлик референдум бошланди. Ўтган йилнинг ноябрида бу ўзгаришлар парламентнинг икки палатасида тасдиқланганди.

Мамлакатнинг асосий қонунини ўзгартириш ғояси собиқ бош вазир Силвио Берлусконига тегишли. Ислоҳотлар бош вазир ваколатларини кенгайтириш, яъни парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқини бош вазирга ҳам беришни кўзда тутади. Шу пайтгача бу ҳуқуққа фақатгина президент эга бўлган.

Референдумда, шунингдек, Италия вилоятлари мустақиллигини ошириш масаласи ҳам кўриб чиқилади. Бу ҳолат кўпроқ саноати ривожланган шимолнинг аграр минтақа ҳисобланган жанубга нисбатан автономия олиш имкониятини таъминлайди. Вилоятлар мустақил полиция, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини шакллантириши мумкин бўлади. Ҳукумат раҳбари Романо Проди эса бу ислоҳотлар мамлакатнинг бўлиниб кетишига олиб келишини маълум қилмоқда. У италияликларни таклиф қилинган бу конституциявий ўзгаришларга қарши овоз беришга чақирмоқда.

ФАЛАСТИН: ЯРАШИШГА УМИД БОР

“Хамас” гуруҳи Исроил ҳудуди бўйлаб ракета отишларини тўхтатишга рози. Газода “Хамас” ҳукумати бош вазири Исмоил Хания ва Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос ўртасида бўлиб ўтган учрашувда шундай келишувга эришилди.

Фаластиннинг келажакдаги давлат тузилиши қандай бўлади, деган савол учрашувнинг асосий мавзуси бўлди. Бунинг учун эса “Хамас” ҳукумати Исроил давлатини тан олиши керак бўлади. Исмоил Хания эса ҳозирча бунга розилик билдирмаяпти.

Музокаралар чоғида, хориж оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, Исроил ҳудуди яна ўққа тутилган. Бу ҳужумнинг ортида “Хамас”чилар тургани ҳақида хабар берилади. Бунга қарши Исроил қўшинлари ҳам ҳарбий ҳаракатлар олиб боришган.

ТУРКИЯДА ПОРТЛАШ СОДИР БЎЛДИ

Туркиянинг Анталия шаҳридан 100 километр жануброқда жойлашган Манагавт шаҳрида содир бўлган портлаш натижасида тўрт нафар одам вафот этган.

Вафот этганларнинг бир нафари Норвегия, яна бир нафари Украина давлатлари фуқаролари эканлиги ҳақида хабарлар тарқатилмоқда. Шунингдек, 25 киши турли даражадаги жароҳат олган. Дастлабки суриштирув натижаларига кўра, фожеага газ балонининг портлаши сабаб бўлган.

“АСР ЎҒРИЛАРИ” ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Якшанба куни Марокаш полицияси “аср ўғрилари” номини олган тўрт нафар Британия фуқаросини қўлга олди. Улар бир неча ой олдин Англиянинг Тонбридж шаҳридаги “Секьюритис” компаниясининг сейфларидан накд 100 миллион доллар пулни ўмаришган эди.

Шу йилнинг февраль ойида содир бўлган бу воқеа Буюк Британия тарихидаги энг катта ўғирлик дея баҳоланмоқда. Ўғрилар сейфлардан жами 53 миллион фунт стерлинг (деярли 100 миллион доллар) пул маблағларини олиб, воқеа жойидан беркинишган.

Шундан сўнг “аср ўғрилари” Марокашнинг Работ шаҳридаги нуфузли ноҳиялардан биридаги “Мега Молл” дўконида “чўкишган”. Уларни ушлашда ўттиз нафар полиция ходими иштирок этган.

МОСКВА — ДУНЁНИНГ ЭНГ ҚИММАТ ШАҲРИ

“Мерсер” халқаро консалтинг компанияси томонидан ўтказилган рейтингда Россия пойтахти — Москва шаҳри дунёнинг энг қиммат шаҳарлари ичида биринчи ўринни эгаллади.

Иккинчи ўринда Жанубий Кореянинг Сеул шаҳри, 3-ўринни Токио эгаллади. Улардан сўнг Сянган (Гонконг), Лондон, Осака, Женева, Копенгаген, Цюрих ва Осло шаҳарлари жойлашган.

Москва, шунингдек, дунёнинг тез суръатларда ривожланаётган шаҳарлари ўнлигига ҳам кирган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-80
136-56-29
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ҲАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 823.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 21.45